

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>З.Пардаева</b>	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини .....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Маҳмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова</b>	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розиқова, М.Қурбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

ПЕДАГОГИКА

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова</b>	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
<b>Н.Валиева</b>	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
<b>М.Расулов</b>	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
<b>Ф.Каримова</b>	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186

**ЎҚИТУВЧИ МУЛОҚОТ ХУЛҚИНИНГ ИЖТИМОЙ-ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**СОЦИАЛЬНО-ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОММУНИКАЦИОННОГО ПОВЕДЕНИЯ**  
**УЧИТЕЛЯ**

**SOCIO – LINGUISTIC FEATURES OF TEACHER’S SPEECH ETIQUETTE**

**Кахарова Шохсанам Набижон қизи<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Кахарова Шохсанам Набижон қизи

– Фарғона давлат университети, инглиз тили ўқитувчиси.

**Аннотация**

*Мақолада ўқитувчилар мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний аҳамияти, педагоглар нутқида кузатиладиган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш усуллари таҳлил этилган.*

**Аннотация**

*В статье анализируется социально-лингвистическое значение речевого этикета учителей, недостатки, которые наблюдаются в речи учителей, и способы их преодоления.*

**Annotation**

*This article analyses the socio-linguistic significance of teacher’s speech etiquette, shortcomings which are observed in teachers’ speech and ways how to overcome them.*

**Таянч сўз ва иборалар:** нутқ, мулоқотхулқи, ижтимоий хусусият, лингвистик хусусият, канцеляризм, жаргон.

**Ключевые слова и выражения:** речь, коммуникативное поведение, социальный характер, лингвистический характер, канцеляризм, жаргон.

**Key words and expressions:** speech, speech etiquette, social character, linguistic character, officialdom, jargon.

Маълум бир тилнинг имкониятларидан фойдаланиб, сўзловчи томонидан яратилган фикрларнинг оғзаки ва ёзма кўриниши ҳисобланмиш нутқ бошқа касблардан фарқли равишда педагогнинг асосий иш қуроли ҳисобланади. Нутқ деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (хотирада сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар) тушунилади. Турли соҳа ва касб вакиллари ўз касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нутқ сўзлайдилар. Шу сабабли ҳам нутқ маданиятида нотиклик бир неча гуруҳга бўлиб ўрганилади. Биз таҳлил этмоқчи бўлган ўқитувчилар нутқи энг кўп қўлланиладиган “аудитория нотиклиги” гуруҳининг таркибий қисмини ташкил этади.

Аудитория нотиклиги – университет, институт, коллеж талабалари ҳамда литцей ва мактаб ўқувчилари учун дарс-маърузаларни ўз ичига олади.[1] Педагоглар нутқи замиридаги олий мақсад жамият тараққиётига хизмат қилиш, ёшларни комил инсон сифатида тарбиялаб, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган етук кадрларни етиштириб беришдан иборат. Айнан шунинг ўзи

педагоглар нутқининг ижтимоий хусусиятлари аҳамиятини белгилаб беради.


Педагог нутқининг ижтимоий хусусиятлари ҳақида сўз борганда филология фанлари доктори, профессор Н.М. Маҳмудовнинг “Дунёда турли-туман касблар, бири-бирдан турфа хунарлар бор. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос иш қуролларидан фойдаланилади. Масалан, деҳқоннинг асосий қуроли кетмон, дурадгорники – теша (арра, ранда ва ш.к), жарроҳники – тиғ, тикувчиники – игна ва ҳ. к. Деҳқон кетмони билан тақир ерда бетакрор боғ барпо қилади, гўзаллик яратади ёки тажриба, – маҳорати етарли бўлмаса, ернинг умрига зомин бўлади. Кетмон ўткир бўлмаса, деҳқоннинг ўзи кетмон уриш ҳадисини олмаган бўлса, олтин тупроқнинг ҳам, хомтама деҳқоннинг ҳам ҳолига маймунлар йиғлаши аниқ. Фаолиятининг асосий қуроли тил бўлган касблар ҳам борки, уларнинг бошида ўқитувчилик туради”. [2]

Ҳар қандай педагогнинг ҳоҳ у физика ўқитувчиси бўлсин, ҳоҳ фалсафа, олдига қўйган энг олий мақсади ўқувчининг ҳар томонлама етук шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, бу йўлда

ўқувчига маёқ бўлишдир. Ана шундай машаққатли йўлда ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблардан бири ўқитувчида нутқ маданиятининг юксак даражада шаклланган бўлишидир. Ўқитувчига қўйилаётган бундай талаблар нафақат бугунги кун, балки замонамизда нутқ пайдо бўлган вақтдан бери қайта-қайта мурожаат қилинаётган долзарб масалалардан бири. Фикримизнинг далили сифатида қарийб уч минг йилдан бери яшаб келаётган ёзма ёдгорлигимиз “Авесто” да қобилятсиз ўқитувчи ҳақида бундай дейилган: “Ростини айтсам, ёмон устод ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуғ санаб, буюк аёл-у эркаларни Яздон неъматларига етишишдан маҳрум этади. Бундай устодлар ўз нодуруст таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадлар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йўлидан уриб, ёмон йўлга бошлайдилар..... Ҳаёт чироғини сўндирадлар”. Юқоридаги мисолдан ҳам кўриниб турибдики, педагог ўз касбининг устаси бўлмас экан, бу нарса фақатгина ўқувчи ҳаётига эмас, жамиятнинг ривожига

ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Нотиқлик санъатини мукамал ўзлаштира олган педагог ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, тил сезгиларини тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим. Ўқув машғулотида давомида олинадиган билимларнинг сифати ҳамда салмоғи айнан ўқитувчининг равон, тушунарли, ўзига жалб этадиган ва мазмунли нутқига боғлиқ. Юксак қизиқиш билан пухта эгалланган билимлар эса ҳар қандай жамиятнинг ривожига йўлида қўйилган одил қадамдир.

Педагогик фаолият давомида ўқитувчиларнинг кўзланган мақсадга тўла эришишларидаги асосий тўсиқлардан бири уларнинг фаолиятлари давомида назардан четда қолдирадиган нутқ билан боғлиқ камчиликларидир. Педагоглар орасида энг кўп учрайдиган хато ва камчиликлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:



[3].

Юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш учун ўқитувчи, аввало, педагогик нутқ техникасини мукамал эгаллаши зарур. Педагогик техника маълум касбий ва шахсий малакалар йиғиндисидирки, у ўқитувчининг педагогик фаолиятига таъсир кўрсатиш, ташкил қилиш ва бошқариш ишларида асосий йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. ЮНЕСКО

маълумотларига кўра XX асрда педагогик фикрлаш усулини белгилаб берган дунёга машхур етук педагоглардан бири А. С. Макаренко педагогик техника тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Чиройли овоз фақат куйлаш ёки сўзлашиш учун эмас, балки ўз фикр ва ҳис-туйғуларини аниқ, таъсирчан оҳангда ифодалаш учун ҳам керакдир. Бу ҳам

## ТИЛШУНОСЛИК

Педагогик маҳорат ва техникадир». Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, педагогик техника бу – ўқитувчининг билимларни ўқувчига етказиш усуллари жамланмасидир. Педагогик маҳорат назариясини ўрганувчи ва тадбиқ қилувчи олимлар Н.Н. Тарасевич, Н.В. Кухаревнинг фикрларича педагогик техника икки гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ педагогнинг нутқ техникаси ўз ҳатти-ҳаракатини идора қилиши, мимик ва пантомимик ифодалари, ўз ҳиссиёти, ҳамда кайфиятини бошқариши, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати кабилар киради.

Педагогик техниканинг иккинчи гуруҳидаги малакалари касб-кор малакаларидан иборат бўлиб, уларга гностик малакалар, лойиҳаловчи малакалар, конструктив (жамоанинг ижодий ишларини ташкил эта олиши, ўқувчи – талабаларни тарбиялаш, ўқитишдаги касб-корлик) малакалари киради.

**Ҳақиқатан ҳам, А.Авлоний таъкидлаганидек, “Сўз инсоннинг даража ва камоли, илм ва фазлни улуғлаб кўрсатадурғон тарозисидир. Ақл соҳиблари кишиларнинг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўздан билур”.** Айниқса, ўқувчилар ўқитувчи талаффузи, нутқ техникасига катта эътибор берадилар. Дудуқ, кириш, товушга тақлид каби сўзларнинг, масалан “айтайлик”, “хўш”, “анақа”, “демак” каби сўзларнинг ўринсиз равишда кўп такрорланиши ўқувчиларни чалғитиши мумкин. Афсуски, бундай ҳол фақат ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари орасидагина эмас, балки олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари орасида ҳам учраб туради. Кишининг овози, табиати ўзгармас, деган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Ҳозирги замон физиология фанининг далолат беришича овоз сифатини мутлақо ўзгартириш мумкин. Бу тарихий фактлар билан ҳам исботланган. Масалан, буюк нотик Демосфен ўз дудуқлигини машқ қилиш туфайли энгиб, Қадимги Римнинг буюк нотифига айланган. Шундай экан, ҳар бир педагог фан доирасида ўз устида ишлаш билан бир қаторда, нутқни ривожлантириш борасида ҳам бирдек изланиши, ўқиб - ўрганиши зарур.

Иккинчидан, педагог нутқ жараёнида асосий эътиборини нутқнинг таъсирчанлигини оширишга қаратиши мақсадга мувофиқ. Нутқнинг

таъсирчанлигини белгилаб берувчи омилларни тилшунос олим Н.Маҳмудов қуйидагича изоҳлайди: “Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялилик каби бир қатор коммуникатив сифатлар мавжуд. Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Ҳар қандай нутқнинг асосий мақсади муайян ахборотни тингловчи (ўқувчи)га етказиш, шу йўл билан унга таъсир қилишдан иборат бўлиб, мазкур сифатларнинг жами нутқнинг таъсирчанлигини юзага келтиради.” [4] Олим таъкидлаб ўтганидек нутқнинг таъсирчанлигини юзага келтирувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар тизимлашган ҳолда яқка бир функцияни бажаради. Тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялик каби сифатларнинг барчасини ўзида жамлаган нутқ таъсирчан, мақсадга аниқ йўналган нутқ саналади.

Нутқнинг тўғрилиги биз юқорида санаб ўтган коммуникатив сифатларнинг асоси ҳисобланади. Нутқимиз тўғрилиқ сифатини ўзида намоён этмас экан унда бошқа коммуникатив сифатларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Нутқнинг тўғрилиқ функцияси нутқ ҳосил қилинаётган тил адабий меъёрларига тўлиқ амал қилингандагина бажарилган ҳисобланади.

Нутқнинг аниқлик сифати сўзловчи етказмоқчи бўлган маълумотларни тингловчи томонидан айнан тушунилишини таъминлайди. Юнон файласуфи Аристотел ўзининг “Риторика” асарида нутқнинг аниқлиги нотик олдида қўйилган энг муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидланиб, “агар нутқ аниқ бўлмаса, у ўз мақадига эриша олмайди” деб таърифланади.

Нутқнинг мантиқийлиги тўғрилиқ ва аниқлик сифатларини ўзида жамлаб, мулоқот қилувчилар ўртасидаги алоқанинг асосини белгилаб беради. Гаплар қурилишининг тўғрилиги, фикрлар кетма-кетлигининг тартибли тузилганлиги нутқда мантиқийлик сифати мавжуд эканлигини кўрсатади.

Нутқнинг софлиги аввалги уч сифатнинг узвий давоми сифатида нутқнинг адабий тил меъёрларига зид бўлган унсурлардан холи эканлиги билан баҳоланувчи коммуникатив сифат ҳисобланади. Сўзловчи нутқнинг софлиги унинг нутқий маданият соҳибни эканлигини

кўрсатувчи белгидир. Тилшунос олим Н.Маҳмудов нутқнинг софлигига путур етказувчи унсурларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтади:

1) шевага хос сўз, ибора, грамматик шаклла, урғу ва талаффуз;

2) ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари (варваризмлар);

3) жаргон ва арголар;

4) дағал ҳақорат сўз ва иборалар (вулгаризмлар);

5) “ишламайдиган” ёки паразит сўзлар;

6) идоравий сўз ва иборалар (канцеляризмлар).

Нутқнинг коммуникатив сифатлари орасида яна бир алоҳида аҳамият касб этувчи сифат бу нутқнинг жўялилиги ҳисобланади. Нутқнинг жўялилиги деганда сўзловчи томонидан сўзланган нутқнинг ўринли қўлланилиши, яъни нутқнинг вазиятга, тингловчилар даврасига ва мулоқот мавзусига мослиги назарда тутилади.

Нутқнинг ифодалилик сифати эса тингловчилар эътиборини тортиш, уларда

мулоқотга қизиқиш уйғотиш функциясини бажаради. Нутқнинг ифодали бўлишига хизмат қилувчи омилларга нутқ товушлари, сўзлар, морфологик бирликлар, синтактик шакллар, интонация, услуб кабиларни киритиш мумкин.[5]

Тобора жадаллашиб бораётган асримизнинг асосий қаҳрамонлари, жонқуярлари, келажак авлод тарбиячилари ҳисобланмиш педагогларимизнинг олдида қўйилган талаблар қаторида нотиклик санъатининг мукамал намунаси бўла олиш вазифаси ҳамон долзарблиги, аҳамиятлилиги жиҳатидан олий ўринни эгаллаб қолмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун биз касбимизнинг етук мутахассисига айланишимиз учун қайси касб вакили бўлишимиздан қатъи назар, мулоқот хулқимизни ҳам олий даражада шакллантиришга аҳамият беришимиз, чиройли сўзлаш ва тинглаш қобилиятининг гўзал намунасини ўзимизда намоён қила олишимиз лозим.

#### Адабиётлар:

1. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиклик асослари. – Т.: Фан, 2007.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
3. [www.wikipedia.uz](http://www.wikipedia.uz)
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
5. Kaharov K. S. Formal and informal ways of conversation in the german and uzbek languages //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 9.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)